



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ISTIQBOLLI LOYIHALAR MILLIY AGENTLIGI DIREKTORINING**

BUYRUG'I

**Суғурта бозорини ривожлантириш департаменти томонидан
тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширишни ташкил этиш
чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида давлат назоратини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2022 йил 19 октябрдаги 611-сон қарорига мувофиқ, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текшириш ўтказувчи мансабдор шахсларнинг малакаси ва професионаллик даражасини баҳолаш, шунингдек, уларнинг назорат органи фаолиятига ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишга тааллуқли қонунчилик хужжатлари талабларига риоя этишини таъминлаш мақсадида, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 октябрдаги 611-сон қарори билан тасдиқланган Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш хуқуқини бериш юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш хуқуқини бериш бўйича аттестация комиссияси (кейинги ўринларда – Аттестация комиссияси) таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Кадрлар бўлими (Ш. Сироҷиддинов) аттестация комиссиясининг ишчи органи этиб белгилансин ҳамда Суғурта бозорини ривожлантириш департаменти билан биргаликда мунтазам равишда:

- аттестация комиссиясининг доимий фаолият юритиши учун барча чораларни кўриш ва аттестация ўтказишга зарур хужжатларни тайёрлаш;
- аттестация ўтказиш учун ходимлар рўйхатини шакллантириш;
- ҳар бир аттестациядан ўтиши керак бўлган ходимни аттестациядан камида икки ҳафта олдин аттестация ўтказиладиган жой ва сана тўғрисида хабардор қилиш;

- аттестациядан ўтказилувчи ходим ҳақидаги маълумотномани белгиланган муддатларда аттестация ўтказиш комиссиясига тақдим этиш;
 - хизмат тавсифномаларини расмийлаштириш;
 - тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш хуқуқини бериш юзасидан аттестациядан ўтказиш бўйича саволлар рўйхатини янгилаб бориш ҳамда аттестация комиссияси аъзоларига юборилишини таъминлаш;
- аттестация комиссияси таркибига киритилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони ходими, Савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирокини таъминлаш вазифаларини амалга оширсин.

4. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш хуқуқини бериш учун ўтказиладиган аттестация жараёнлари қонунийлик, мажбурийлик, ошкоралик, холислик ва коллегиаллик тамойиллари асосида ўтказилсин.

5. Аттестация комиссияси ишчи органи (Ш. Сирожиддинов) Суғурта бозорини ривожлантириш департаменти билан биргаликда аттестациядан ўтган ва келгусида аттестациядан ўтказилиши керак бўлган ходимлар бўйича реестрни шакллантириш ҳамда уни юритиш чораларини мунтазам равишда кўриб борсин.

6. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш директорнинг биринчи ўринbosари В. Пак зиммасига юклансин.

Директор

Д. Ли

Тошкент ш.,
2023 йил, «19
69»-сон

Агентликнинг
2023 йил 9 сентябрдаги
6.9-сон буйруғига
1-ИЛОВА

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини бериш бўйича
аттестация комиссияси
ТАРКИБИ

В. Пак

Агентлик директорининг биринчи
ўринбосари
Комиссия раиси

Келишув асосида

Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Тадбиркорлик
субъектларининг ҳуқуклари ва
қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш
бўйича вакил девони масъул ходими
Комиссия аъзоси

Д.Максудов

Агентлик директори ўринбосари
Комиссия аъзоси

Келишув асосида

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси
масъул ходими
Комиссия аъзоси

Б. Халимов

Тадбиркорлар вакили,
“FinBux” МЧЖ директори
Комиссия аъзоси

Ш. Сирожиддинов

Кадрлар бўлими бошлиғи
Комиссия котиби

*Изоҳ: Комиссия таркибига киругчи лавозимлар вакант бўлган ва вазифалари боиқа
ходимга юкламаган ҳолларда таркибий тузигма низомлари ёки лавозим йўриқномасида
белгиланган ходим томонидан комиссия аъзолари ваколатлари амалга оширилади.*